

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 02/30.12.2019. Tar.56.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ГУМАНИТАР ФАНЛАР
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

УТЕБАЕВ МАДИЯР БЕРДИБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒЛАР ЭТИКЕТИДА АНЪАНАВИЙЛИК ВА ЯНГИЛИК
(этнографик таҳлил)**

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

-

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
историческим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) historical
sciences**

Утебаев Мадияр Бердибаевич

Қорақалпоқ этикетида анъанавийлик ва янгилик (этнографик тахлил).....3

Утебаев Мадияр Бердибаевич

Традиционное и новое в этикете каракалпаков (этнографический анализ)...25

Utebaev Madiyar Berdibaevich

Traditional and new in Karakalpak etiquette (ethnographic analyze0.....46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....50

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 02/30.12.2019. Tar.56.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ГУМАНИТАР ФАНЛАР
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

УТЕБАЕВ МАДИЯР БЕРДИБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҚЛАР ЭТИКЕТИДА АНЪАНАВИЙЛИК ВА ЯНГИЛИК
(этнографик таҳлил)**

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

-

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.3.PhD/Таг.374 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоғистон Гуманитар фанлар илмий-текшириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzhistory.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қарлибаев Максет Абдибаевич

тарих фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Баллиева Руза

тарих фанлари доктори, профессор

Каюмов Асрор Райимович

тарих фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Ургенч давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи DSc. 02/30.12.2019. Таг.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «12» июнь куни соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтади. Илмий кенгашнинг мажлиси <http://himoya.bim.uz> тизими орқали бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси 5-уй, Тарих институти 2-қават мажлислар зали). Тел.: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@uzhistory.uz. Тарих институти.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2020 йил «1» июнь куни тарқатилди.

Диссертация автореферати 2020 йил 1 июнь куни тарқатилди.
(2020 йил 1 июндаги рақамли реестр баённомаси).



А.С. Сагдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, академик

М.Х. Пайзиёва

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

А.Х. Дониёров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

Кириш

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги дунёнинг глобаллашув жараёни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги интеграцияни таъминлаб, унда турли хил маданият ва кадриятларнинг ўзаро мулоқоти муҳим аҳамият касб этади. Булар этномаданий ўзига хослик ва этикетни ўрганиш ҳамда уни авайлаб асрашнинг долзарблигини белгилайди. Миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида мултикультурализм ғояси фонида “Бағрикенглик коидалари Декларацияси”¹ ҳозирги глобал дунёнинг энг муҳим кадриятларидан бири сифатида қабул қилинди.

Бугунги кунда жаҳонда этикет масаласини тадқиқ этиш йирик фундаментал ва амалий аҳамиятга эга, шу боис уни ўрганиш билан дунёнинг етакчи илмий тадқиқот ташкилотлари шуғулланмоқда. Жумладан, замонавий этнология ва ижтимоий антропологияда этикет масаласи “politeness” ва “мулоқот этикети” каби махсус субдисциплиналар фан доирасида, турли илмий аспектларда ўрганилади. Қайд этиш жоизки, агар ғарб дунёсида “politeness” (этикет) муаммоси “замонавий саноатлашган жамият” контекстида кўриб ўтилса, МДХ мамлакатларида у “анъанавий-ҳаёт тарзи” доирасида этномаданият нуқтаи назаридан ўрганилади.

Ўзбекистон ўзида турли миллат, этник гуруҳ, конфессия вакиллари бирлаштирган ҳолда “халқларнинг маданиятини, урф-одат ва анъанасини сақлаш учун барча шароитлар яратилган” мамлакат сифатида намоён бўлади². Халқларнинг этикети масалаларини ўрганиш “миллатлараро бирдамлик”ни мустаҳкамлашга имкон берувчи мамлакатдаги этномаданий жараёнларни тушуниш учун муҳимдир. Ўзбек этнологиясининг ҳозирги босқичида “янги илмий муаммолар” бўйича изланишлар олиб борилмоқдаки, жумладан, этикет масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан қорақалпоқларнинг этикет анъаналари илмий қизиқиш уйғотади. Узок давр мобайнида қорақалпоқларда ўзига хос маданият шаклланиб, бу анъанавий ҳаёт тарзининг турли жиҳатлари, хусусан, этикет ва хулқ-атвор нормалари сақланиши билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам ҳозиргача сақланиб қолган этикет анъаналарини қайд этиш имконияти мавжуд экан, уларни алоҳида “маросимий ҳаёт” нуқтаи-назардан тадқиқ этиш талаб этилади. Маросим билан чамбарчас боғлиқ ҳолда этикет, маданиятнинг ўзига хос коди ҳисобланиб, ушбу тадқиқот учун сабаб бўлди. Қорақалпоқлар этикети алоҳида этнографик тадқиқот сифатида ҳали ўрганилмаган. Мазкур тадқиқот стереотип хулқ-атворнинг, анъанавий турмуш тарзига асосланган йўл-йўриқ ва табу, ўтмишнинг ижтимоий тузилишини акс эттирадиган турмуш тарзи ва менталитети, моддий маданияти, халқнинг кадриятлари тизими ва менталитетининг манбаларини билиш имконини беради.

¹ <https://www.un.org.ru> ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил 16 ноябрдаги 8 сессияси.

² Мирзиёев Ш.М. Одобрение народа – высшая оценка нашей деятельности. Т.: «Ўзбекистан». 2018. С. 367.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”даги ва 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 5 январдаги ПҚ-5611-сонли “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги қарори ва соҳага оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қорақалпоқларнинг анъанавий маданияти ўрганилишининг хронологик даври асосан XIX аср охири – XX аср билан чегараланган. Ушбу диссертацион тадқиқот ҳозирги даврни ўз ичига олади ва унинг даврий чегараси XX аср охири – XXI аср бошлари билан белгиланган.

Вазифалар ва методологик талаблардан келиб чиқиб, мавзу тарихшунослигини муаммовий жиҳатдан урта гуруҳга бўлиш мумкин.

1) Этнология фанида этикет назарияси масалалари кўриб ўтилган тадқиқотлар. Унга Б.Х.Бгажноков, А.К. Байбурун, С.А. Топорков, Н.Л. Жуковскаянинг фундаментал асарлари киради¹.

2) Қорақалпоқ ва ўзбек халқининг моддий маданияти, оила-никоҳ муносабатларидаги урф-одат ва маросимларни акс эттирувчи адабиётлар. Унга Х.Есбергенов, А.Бекмуратова, Н.Тлеубергенова, М.Давлетияров, Н.Х.Азимова, О.О.Исманова, А.А.Аширов, Г.С.Тошева, Б.С.Турсунов, С.Т.Давлатова, Г.Ш.Зунунова, М.Х.Файзуллаева ва бошқа кўплаб муаллифлар².

¹ Бгажноков Б.Х. Адыгский этикет. Нальчик: Эльбрус, 1978. С; Байбурун. А. К., Топорков. А. Л. У истоков этикета. Ленинград, 1990.; Байбурун А. К. Решетов А. М. Этикет у народов Передней Азии. Москва, 1988; Жуковская Н.Л. Категории и символика традиционной культуры монголов. Москва, 1988.

²Есбергенов Х., Атамуратов Т. Традиции и их преобразование в городском быту каракалпаков. Нукус: Каракалпакстан, 1975; Бекмуратова А. Быт и семья каракалпаков в прошлом и настоящем. Нукус. 1969; Тлеубергенова Н. Традиционное жилище каракалпаков XIX-начала XX вв. // Диссер...к.и.н. Нукус, 1996; Хожаниязов Г., Кудияров А. Ережеп бий аға баба. Нөкис. 2019; Давлетияров М. Традиционные социальные институты каракалпаков. Нукус: «Илим». 2019; Азимова Н.Х. Система традиционного воспитания детей в узбекских семьях (на примере Андижанской области). //Дисс. ...к.и.н. М., 1987; Исманова О.О. Ўзбек тўй маросим фольклорида «келин салом» жанри (генезис, ўзига хос хусусиятлари ва поэтикаси) // Филол. ф. н.... дисс. – Тошкент, 1999; Аширов А.А. Авестодан мерос маросимлар. Тошкент. 2001; Тошева Г.С. XX асрда Қашқадарё воҳасида ўзбекларнинг никоҳ тўйи маросимлари //Т. ф. н.... дисс. - Тошкент, 2002; Турсунов Б.Р. XX асрда Фарғона водийси аҳолисида оила, оилавий маросимлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари (Конибодом воҳаси мисолида) // Т.ф.н.... дисс. - Ташкент-Хўжанд, 2002; Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонвийлик. Тошкент. 2006; Зунунова Г.Ш. Материальная культура узбеков

3) Турли халқлар этикетини ўрганишга бағишланган махсус адабиётлар бўлиб, уларни орасида А.Никишенков, С.Д.Бердегова, А.Х.Хадикова, С.А.Лугуев, Г.А.Меймарнова¹ ва бошқалар. Таъкидлаш жоизки, юқорида кўрсатилган асарлар у ёки бу даражада ушбу иш учун методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўзбеклар ва қорақалпоқлар этнографиясида анъанавий хулқ-атвор нормаларига тегишли кўплаб узук-юлуқ маълумотлар бўлишига қарамай, қорақалпоқлар этикети масаласи этнографиянинг предмети сифатида ҳали ўрганилмаган.

Шундай қилиб, диссертацияда назарий материалларнинг таҳлили ва ўрганилаётган муаммо тарихшунослиги масалалари махсус қисмларда берилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ЎзР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг ПЗ-20170915198 – “Қорақалпоқ жамиятида ижтимоий меъёрлар трансформацияси: тарих ва амалиёт” (2018-2020) мавзусидаги амалий тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорақалпоқларнинг кундалик ва маросим (зиёфат, маросим ва ҳ.к.) ҳаётидаги анъанавий этикет меъёрларини этнографик нуқтаи назардан ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўрганилаётган муаммо тарихшунослиги ва назариясини таҳлил қилиш;

этикет меъёрларининг саломлашиш ҳолатида, меҳмондорчилик ва ички оилавий муносабатларда сақланиш даражаси ва шунингдек, қорақалпоқларда уларнинг баъзи даражадаги трансформациясини аниқлаш;

қорақалпоқларда саломлашиш, меҳмондорчилик институти ва ички оилавий муносабатлар этикети билан боғлиқ урф-одатлар ва маросимларнинг ролини тавсифлаш;

кундалик мулоқотнинг нутқли ва нутқсиз меъёрларини, шунингдек, буюмларнинг этикет семантикаси, этикет ҳолатларида муҳит ва хулқ-атвор масалаларини кўриб чиқиш;

оила аъзолари ва қариндош жамоанинг ўзаро муносабатлари стереотипларини, қорақалпоқлар нутқ этикетидаги қариндошлик атамалари ролини “муносабат этнографияси” доирасида ёритиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва қишлоқ муҳитида яшовчи қорақалпоқларнинг кундалик турмуши масалалари белгиланди.

Ташкент: Трансформация традиций (XX - начало XXI вв.). Ташкент. 2013; Файзуллаева М.Х. Национальная пища в традициях и обрядах населения Сурханского оазиса// Автореф. ...к. и. н. – Ташкент, 2010.

¹ Никишенкова А.А. Традиционный этикет народов России (XIX - начало XX вв.). М., 1999; Бердегова С.Д. Термины родства и родственных отношений в традиционной культуре адыгов // Дис...к.и.н. Майкоп, 2008. С. 149-165; Хадикова А.Х. Традиционный этикет осетин. СПб., 2003; Лугуев С.А. Культура поведения и этикет дагестанцев (XIX - начало XX вв.). Махачкала. 2006; Мейрманова Г.А. Культура общения у казахов: трансформация традиционного этикета // Дисс. к.и.н. М., 2008.

Тадқиқотнинг предметини қорақалпоқларнинг урф-одат ва маросимлари ҳамда кундалик турмуш тарзида намоён бўладиган анъанавий этикет ва қабул қилинган хулқ-атвор меъёрлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида дала (сухбат, анкета, кузатув) ва этнографик тадқиқот (тавсифлаш, қиёсий-тарихий ва семиотик) методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқларнинг кундалик ва маросимий одоб-ахлоқ қоидалари, табиий-иқлим шароитлари, ярим кўчманчи ва уруғ-қабилавий урф-одатлар, эътиқод ва таъқиқ (табу)лар, исломий меъёрлар, қадриятлар ва бошқа манбаларни ўз ичига олган турмуш тарзига асосланганлиги исботланган;

кенгайтирилган (бўлинмаган) оиланинг оилавий муносабатларида анъанавий одоб-ахлоқ қоидалари ҳаётийлиги, баъзи маросимларга риоя қилиш вақтида - *қудалық, мусълман той, қонақ кўтиў, бас койыў, қолдан суў алыў* ва бошқалар, қорақалпоқларнинг ёш, жинс, ижтимоий ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда ўзига хослигини сақлаб қолиш истаги билан изоҳланган;

анъанавий этикет тизимидаги ўзгаришлар ва инновацион жараёнлар нуклеар оила ва замонавий турмуш тарзи (кафе, ресторан) шароитида содир бўлиши ва глобаллашув омиллари билан боғлиқлиги аниқланган;

этикетнинг коммуникатив функцияси мулоқот иштирокчиларининг нутқли ва нутқсиз хулқ-атвор воситалари сифатида рамз ва белгилар тизимини ҳамда халқ тасаввурида маълум қадрият маъносига эга бўлган, анъанавий турмушда ишлатиладиган буюм ва ҳодисалар (буюмларнинг муқаддаслик маъноси: *нон, таом, остона, дастурхон, турли совғалар алмашинуви*)нинг семантикаси очиқ берилди;

оила аъзолари ва қариндош жамоанинг (*эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги*) ўзаро муносабатлари стереотиплари, этикет билан боғлиқ урф-одат, маросимлар (*совчилик, меҳмондорчилик*) ва ҳамда қорақалпоқлар нутқ этикетидаги қариндошлик атамалари ишлатилиши, таъқиқ (табу)лар ва “*тийилиш одати*” анъаналари “муносабат этнографияси” доирасида очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари шу билан белгиланадики, тадқиқот натижалари Қорақалпоғистон маданиятига бағишланган мавзуларда мақолалар, маърузалар, монографиялар, илмий-оммабоп асарлар ёзишда фойдаланиш мумкин. Жумладан, “Қорақалпоқ халқи тарихи” нашрини тайёрлашда, шунингдек, қорақалпоқ этнографияси, маданиятига оид умумлаштирилган ишларни яратишда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг якунига кўра қорақалпоқларнинг анъанавий этикетини қайта тиклаш иши минтақанинг туризм соҳасини ривожлантириш учун маслаҳат ва ахборот материали сифатида хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги этикет муаммосини ўрганишнинг илмий принципларини, бу соҳада мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган ёндашув ва назарияларни қўллаш билан белгиланади;

тадқиқотчининг дала маълумотлари ва махсус илмий адабиётлардан иборат материалларнинг объективлиги ва тарихийлиги. Муаллиф томонидан

дала тадқиқотлари асосан Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳри ва Мўйманок, Қораузок, Шуманой ва Тўрткўл туманларида ўтказилган;

Қорақалпоғистонда 2009-2018 йилларда тўпланган янги этнографик дала материалларини илмий муомалага киритилганлиги билан;

олинган натижаларнинг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий, илмий-амалий конференциялар тўпламлари, ОАК тавсия этган ва хорижий журналлардаги нашрлар билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация материаллари қорақалпоқлар тарихи ва этнографиясига оид умумлаштирувчи илмий ишлар ва ўқув қўлланмаларини ёзишда манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари, тадқиқот материаллари ва натижаларидан давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги илмий лойиҳаларни ёзишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижалари амалий зарурлиги миллий анъаналарни турли институционал бирлашмалар иш фаолиятида қўллаш орқали уларни сақлаб қолишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқлар этикетида анъанавийлик ва янгилик (этнографик таҳлил) мавзуси бўйича олинган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

этикет ва табу анъаналари доирасида ёритилган таҳлиллари ва материалларидан 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясида амалга оширилган ФА-Ф1-Г001 “Қорақалпоғистон дунё маданияти чорраҳасида. Амударё қуйи оқими шаҳар маданияти ва шаҳарларнинг тарихий тараққиёти” номли мавзудаги фундаментал лойиҳанинг қорақалпоқ оиласида аёл ва унинг вазифалари, аёлларнинг оила маданиятидаги ўрни билан боғлиқ бўлимларини ёзишда фойдаланилган (ЎЗР ФАнинг 2019 йил 27 ноябрдаги №3/1255-3131-сон маълумотномаси). Жумладан, тадқиқот натижалари лойиҳанинг қорақалпоқларнинг оила аъзолари ва қариндош жамоа хулқ-атвор стереотиплари тизимидаги этикет, қариндошлик атамалари, ички оилавий муносабатлар маданиятидаги тасаввур ва таъқиқлар (табу) каби масалаларини ёритишда манбавий асос бўлиб хизмат қилган;

қорақалпоқ аёлларининг ўзини тутиши ва этикети, ахлоқ-одоб нормаларидаги ўзгаришлар, тийилиш одоблари аёлларнинг муқаддас жойларга зиёрати қилиши, авлиё аёлларнинг сиймоси ва вазифалари каби таҳлилий маълумотлардан 2015-2017 йилларда Фанлар Академиясида амалга оширилган ФА-А1-Г004 – “Қорақалпоқларнинг тасаввурларида аёл қиёфаси: этнологик тадқиқот” номли мавзудаги амалий лойиҳада фойдаланилган (ЎЗР ФАнинг 2019 йил 27 ноябрдаги №3/1255-3131-сон маълумотномаси). Жалб қилинган натижалар тадқиқотнинг этикет нормаларининг трансформациялашиш жараёни, меҳмондўстликка оид этикетлар, моддий маданиятдаги нарса ва буюмларнинг семиотик аҳамияти ва муҳит проксемикаси каби масалаларини ёритишда хизмат қилган;

Қорақалпоқ халқининг саломлашиш маданияти ва унинг миллий ўзига хослиги билан боғлиқ илмий натижалардан “Этноэтикет” телекўрсатуви

сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг 2018 йил 4 октабрдаги №4131-сон маълумотномаси). Тадқиқотнинг қорақалпоқлар этикетидан анъанавийлик ва замонавийлик масалалари, қорақалпоқларда саломлашиш, муносабат қоидалари, ахлоқ, феъл-атворнинг трансформацион жараёнларига оид натижалари ва янгилиги илмий-амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланиб, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашда, миллий ўзликни англашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та республика ва 7 халқаро миқёсдаги конференцияларда илмий муҳокамалар жараёнида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 20 та илмий иш нашр қилинган, шулардан ОАК томонидан докторлик диссертацияси натижаларини нашр этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та (5 та республика ва 2 та хорижий) ва халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференциялар тўпламларида 13 та иш илмий, илмий-оммабоп мақола ва тезис шаклларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 159 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, “этноэтикет”ни тадқиқ этишнинг аҳамияти асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, тадқиқотнинг объекти ва предмети, унинг даврий чегаралари, тадқиқот усуллари кўрсатилган, манбавий асоси тақдим этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти тавсифлаб берилган.

Диссертациянинг “**Этикет муаммосини ўрганиш назарияси ва тарихшунослиги**” деб номланган биринчи боби этикет муаммосини ўрганишга оид ҳам хорижий, ҳам маҳаллий муаллифларнинг назарий ишлари ва методологик ёндашувларининг таҳлилига бағишланган.

Биринчи параграфда “*Этнографик тадқиқотда этикет назарияси*” “этикет” сўзининг маъноси ва аҳамиятини таҳлил этишга, унинг ижтимоий-тарихий табиатини очиб беришга, этикетнинг этнографик контекстдаги моҳиятини этно-таркибий маданият хулқ-атвор шаклларида бири сифатида кўриб чиқишга эътибор қаратилган.

Ғарбдаги хорижий адабиётларида этикет, асосан фанлараро ёндашув кўлланган ҳолда “politeness” (хушмуомалалик) ижтимоий феномени доирасида ўрганилади¹. Масалан, Хельд томонидан бу лингвистик ҳодиса “дефинитив ноаниқ ва эмпирик қийин соҳа” сифатида тавсифланган ва бунда унга илмий адабиётларда расмиятчилик, хурмат, самимийлик, ўринли ҳатти-ҳаракат, этикет, одоблилик каби тушунчалар билан бир қаторда

¹ Brown P., Levinson S. Politeness introduction to the Reissue: A review of recent work. *Pragmatics and sociology*, 2015.

ишлатиладиган хушмуомалаликни намоён қилишнинг турли-туман усуллари маълум бўлади¹. Масалан, Л.Уайтнинг сўзларига кўра, агар “ахлоқ (этика) деб биз одамлар орасидаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар тўпламига нисбатан айтсак, “этикет” бу гуруҳлар (одамлар орасидаги турли синфлар) орасидаги, эркаклар ва аёллар, бошлиқ ва ходим, ҳукмдор ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни бир маромда ушлаб туради”².

Бу борада Б.Х.Бгажноковнинг тадқиқотлари алоҳида эътиборга молик ҳисобланади. Мазкур тадқиқотчи томонидан “мулоқот этнография”си атамаси илмий муомалага киритилган, этикетнинг предмети аниқланган, турли халқлардаги этикет маданиятининг ривожланиш эволюцияси кўриб чиқилган. Унинг хизмати ушбу ижтимоий ноёб ҳодиса (феномен) табиатини, унинг моҳиятини очиб берган ҳолда тушунтириб берганлиги, шунингдек, этикетни тадқиқ этишнинг тушунчалар аппарати ва усуллари ишлаб чиққанлиги билан белгиланади³. С.А.Артюнова⁴, М.Ф.Абильдель⁵, Г.В.Старовойтова⁶ каби бошқа тадқиқотчиларнинг ишлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, А.К.Байбурин, А.Л.Топорков⁷ ва А.М.Решетов⁸ каби ушбу соҳа мутахассисларининг тадқиқотлари ҳам катта қизиқиш уйғотади. Чунки уларнинг ишларида турли халқлар хулқ-атвор стереотипларининг табиати очиб берилган ҳамда ушбу стереотиплар тизимида этикетнинг ўрни ва роли кўрсатиб берилган.

Шундай қилиб, этикетда, бизнинг фикримизча, маросим, лингвистик, норматив ва бошқа таркибий қисмлар ажралиб туради. Этикет тузилишида эса хулқ-авторнинг ритмик, прагматик, рамзий каби таркибий қисмларни ўз ичига олган шакли (услуб) ва мазмуни ажралиб туради. Бошқа фанлардан фарқли ўлароқ этнология этномаданий омиллардан келиб чиққан ҳолда муносабатнинг хусусиятларига (жинси, ёши, статуси, субмаданият, эътиқод, қариндошлик ва танишлик даражасига) эътиборни қаратади.

Қайд этиш жоизки, “анъанавий” ва “янги” категорияларни чегаралашда биз С.А.Артюновнинг тадқиқотларига таяндик⁹. “Анъанавий” тушунчаси остида биз “анъанавий жамият” (саноатлашишгача) доирасида узок даврлар мобайнида ривожланиб келган анъаналарни тушунамиз. “Янги” деганда эса биз анъаналарнинг икки хил йўналишда рўй берадиган трансформацияси натижасида маданиятдаги янгиланишларни тушунамиз: тадрижий (урф-одатлар ёки маросимларнинг ўзини янги шароитларга мослашиши ҳисобига рўй берадиган таркибий ўзгаришлари) ва инқилобий (бошқа халқлар

¹ Held G. Politeness in linguistic research. In R. J. Watts, S. Ide & K. Ehlich (Eds.), *Politeness in language*, Berlin: Mouton de Gruyter, pp. 131-153.

² Токарев С. «Избегание» и «этикет» // Советская этнография. 1979. №1. - С.70.

³ Бгажноков Б.Х. Адыгский этикет. Нальчик: Эльбрус, 1978.

⁴ Артюнова С.А. Этнографическая наука и изучение культурной динамики // Исследования по общей этнографии. М., 1979.

⁵ Альбидель М.Ф. Регламентация поведения в связи с четырьмя стадиями жизни в индуизме // Этнические стереотипы поведения. Л., 1985.

⁶ Старовойтова Г.В. Этнические особенности поведения и внешности в восприятии горожан // Этнические стереотипы поведения. Л., 1985.

⁷ Байбурин. А.К., Топорков. А.Л. У истоков этикета. Ленинград, 1990.

⁸ Байбурин А. К. Решетов А. М. Этикет у народов Передней Азии. М., 1988. - С. 12-17.

⁹ См. Артюнов С.А. Народы и культуры развитие и взаимодействие. М.: «Наука». 160-165 сс.

маданияти белгиларининг ўзаро таъсири ҳисобига ўзгариши). Бизнингча, қорақалпоқлар учун ХХ аср бошларигача бўлган урф-одатлар, бу даврда анъанавий ҳаёт тарзи сақланиб қолганлиги сабабли, “анъанавий” ҳисобланади. “Янги” урф-одатлар деганда айнан совет даврида ва мустақиллик йилларида анъаналарда рўй берган ўзгаришлар (саноатлашиш, урбанизация, маданий глобаллашув ва ҳ.) тушунилади. Қорақалпоқларнинг маросимий ҳаётида ҳам анъаналар яхши сақланиб қолган ва юқорида келтирилганидек инновациялар юз берган. Трансформация контекстидаги янгиликлар эса халқнинг оддий турмуш тарзига аллақачон ўрнашиб қолган ва улар ҳам анъанага айланган.

“*Муаммога оид манбаларнинг тарихшунослик шарҳи*” деб номланган иккинчи параграфда ҳам назарий-методологик томондан, ҳам турли халқлар этикетини ўрганиш жиҳатидан ҳамда ўзбек ва қорақалпоқ этнографияси бўйича мутахассисларнинг турли урф-одатлар тизимида этикет масаласи билан боғлиқ тадқиқотларининг тарихшунослик таҳлили амалга оширилган. Шу боис, манбалар шартли равишда иккита кетма-кет гуруҳга ажратилди: 1) қорақалпоқлар ва ўзбеклар этнографиясида этикет билан боғлиқ масалаларнинг акс этиши, 2) тадқиқ этилаётган мавзуга билвосита тааллуқли бўлган хориж халқларининг этикет муаммолари билан боғлиқ бўлган ишлар.

Т.Морозова, Т.А.Жданко, У.К.Шалекенов А.Бекмуратова, Х.Есбергенов ва Т.Атамурастов, Ж.Базарбаев¹ ва бошқаларнинг ишлари муҳим ва диққатга савовордир. Ҳаётини давр ва моддий маданият билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар кесими орқали ўзбекларнинг анъанавий хулқ-атвор маданияти масалаларини ўрганилишига келсак, у ҳолда К.Шониёзов, Н.П.Лобачева, Т.Х.Тошбоева, О.О.Исманова, А.А.Аширов, Г.С.Тошева, Б.Р.Турсунов, Г.Ш.Зунунова, М.Х.Файзуллаева², С.Давлатова³нинг ишлари бой мазмунга эга бўлиб, ўзбекларнинг анъанавий хулқ-атвори ва тарбияси масалалари бўйича қимматли фактик маълумотларнинг мавжудлиги билан диққатни тортади.

Тадқиқотнинг методологияси учун у ёки бу даражада хизмат қилган иккинчи гуруҳга оид ишларга Б.Х.Бгажноков, Ш.Д.Инал-Ипа, А.М.Решетов,

¹ Морозова А. С. Культура домашнего быта каракалпаков начала XX века // Диссер...к.и.н. Ташкент. 1954; Жданко Т.А. Каракалпаки Хорезмского оазиса/ТХЭ, М., 1952, т. I, СС. 516-517; Шалекенов У.К. Социалистическое преобразование быта каракалпаков колхозного крестьянства (на материале Чимбайского района ККАССР) //Диссер., к.и.н. М., 1953; Бекмуратова А. Быт и семья каракалпаков в прошлом и настоящем. Нукус. 1969; Есбергенов Х., Атамурастов Т. Традиции и их преобразование в городском быту каракалпаков. Нукус: Каракалпакистан, 1975; Базарбаев Ж. Эдеп философияси. Некис. 2010.

² Шаниязов К. Узбеки-карлуки, Ташкент. 1964; Лобачева Н.П. Формирование новой обрядности узбеков. М., 1975; Тешебаева Д.М. Речевой этикет делового письма в торговой сфере // Дисс.. к.и.н. Ташкент. 2000; Исмонова О.О. Ўзбек тўй маросим фольклориди «келин салом» жанри (генезис, ўзига хос хусусиятлари ва поэтикаси) // Филол. ф. н.... дисс. – Тошкент, 1999; Аширов А.А. Авестодан мерос маросимлар. Тошкент, 2001; Тошева Г.С. ХХ асрда Қашқадарё воҳасида ўзбекларнинг никоҳ тўйи маросимлари // Т. ф. н.... дисс. - Тошкент, 2002; Турсунов Б.Р. ХХ асрда Фарғона водийси аҳолисида оила, оилавий маросимлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари (Конибодом воҳаси мисолида) // Т.ф.н.... дисс. - Ташкент-Хўжанд, 2002; Муминова А. Узбекский речевой этикет СЕН (ТЫ), СИЗ (ВЫ) // Вестник Российского университета Дружбы народов. Серия: Теория языка. Семиотика. Семантика. 2015. С. 98-102; Файзуллаева М.Х. Национальная пища в традициях и обрядах населения Сурханского оазиса // Автореф. ...к. и. н. – Ташкент, 2010.

³ Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонвийлик. Тошкент. 2006.

Н.Л.Жуковской, А.К.Байбурин ва А.Л.Топорков, С.А.Лугуев, Г.А.Мейрманова¹ ва бошқаларнинг ишларини келтириб ўтиш ўринлидир.

Шундай қилиб, этикет ва хулқ-атвор маданияти масаласи бўйича алоҳида маълумотлар хулқ-атвор стереотиплари орқали қисман оилавий ва моддий маданият билан боғлиқ одатлар контекстидаги ўзбеклар ва қорақалпоқлар этнографиясига оид ишларда ўз ифодасини топган. Тадқиқот ўзбеклар таркибидаги этник гуруҳларнинг кўплаб одатлари қорақалпоқларнинг этикет маданияти билан ўхшашлигини кўрсатади. Ушбу асарлар икки халқнинг этикетини янада чуқурроқ ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Хорижий халқлар этикетини махсус ўрганишга бағишланган асарлар ушбу муаммонинг ўрганилган асосий масалаларида назарий ва услубий аҳамиятга эга. Ушбу асарларнинг таҳлили этикетни этнографик жиҳатдан ўрганиш уни бошқа фанлар нуқтаи назардан ўрганишдан фарқ қилади, бунда асосий урғу этник стереотипи ва этикетнинг моҳиятини ўзида яширин тарзда сақловчи урф-одат ва маросимларга қаратилган. Ушбу стереотиплар замирида байрамларда, оддий кундалик ҳаётда ва бошқа турли вазиятларда намоён бўлувчи хурофот ва эътиқод, ижтимоий тузилиш, ахлоқий қадриятлар ва халқнинг кундалик маданияти ётади.

“Қорақалпоқларнинг ижтимоий турмушида этикет” деб номланган иккинчи боб қорақалпоқлар кундалик ҳаётидаги анъанавий этикет меъёрларини этнографик тавсифи ва таҳлилига: саломлашиш, меҳмондорчилик, зиёфат ҳамда моддий маданият нарсаларининг ва ҳодисаларининг этикетлик семантикасига бағишланган.

“Нутқий ва нутқсиз саломлашиш формулалари ва усуллари” деб номланган биринчи параграфда кундалик ва маросимий турмушдаги қорақалпоқларнинг нутқий ва нутқсиз саломлашиш усуллари ва формулалари кўриб чиқилган бўлиб, унда турли вазиятларда қўлланадиган ҳар хил саломлашиш шакллариининг тавсифи берилади. Саломлашишнинг ранг-баранг шакллари саломлашаётган одамларнинг ёши, жинси, ижтимоий мавқеи, қариндошлик ва танишлик даражасини, касб турини ва вазият хусусиятларини тасдиқлайди ва учрашувда уларнинг хулқ-атворини белгилаб беради².

Тадқиқот жараёнида анъанавий этикет қоидаларидан келиб чиқиб, қорақалпоқларнинг нутқий ва нутқсиз саломлашиш шакллари таснифланди. Масалан, катта авлод ҳар доим умуммусулмон саломлашиш формулаларини ишлатади, ёш авлод эса қисқартирилган ва “замонавий” формулаларни афзал кўради. Катта авлод саломлашишда ёш ва ижтимоий хусусиятларни ҳисобга

¹ Бгажноков Б.Х. Адыгский этикет. - Нальчик, 1978; Бгажноков Б.Х. Очерки этнографии общения у адыгов. Нальчик, 1983; Инал-Ипа Ш.Д. Очерки об абхазском этикете. Сухуми. 1984; Решетов А.М. Народы Передней Азии // Этикет у народов Передней Азии. М., 1988; Жуковская Н.Л. Категории и символика традиционной культуры монголов. М., 1988; Байбурин А. К., Топорков А. Л. У истоков этикета. Л., 1990; Лугуев С.А. Культура поведения и этикет дагестанцев (XIX - начало XX вв.). Махачкала. 2006; Мейрманова Г.А. Культура общения у казахов: трансформация традиционного этикета //Дисс... к.и.н. М., 2008.

² Мейрманова Г.А. Культура общения у казахов: трансформация традиционного этикета // Дисс.. к.и.н. Москва. 2009. - С. 20.

олган ҳолда сеҳрли ва маросимий функцияга эга бўлган барқарор иборалардан фойдаланади. Маълум ҳолатлар учун уларнинг тилакларига боғлиқ ҳолда саломлашишнинг ўзига хос турлари мавжуд. Саломлашишнинг нутқсиз усуллари ажралиб туради: анъанавий ва замонавий, яъни ўзгарган, бироқ ҳозирги кунга қадар сақланиб келаётган (қучоқлашиш ва қўл бериш шакллари, мимика ва ҳ.). Қиёсий ўрганиш жараёнида биз Қорақалпоғистоннинг турли халқларидаги келин салом шакл жиҳатидан фарқ қилишини кузатдик. Қайд этиш жоизки, таъзим қилиш ва тиз чўкиш ўз илдизига кўра илк синфий жамият даврига бориб тақалиб, хўжайин ва оддий инсон ўртасидаги муомалани акс эттиради¹ ва бу ўзгариш натижасида келинларнинг ҳатти-ҳаракатида ҳурмат белгиси сифатида сақланиб қолган.

Анъанавий саломлашиш одати тўй маросимлари чоғида эрининг қариндошлари ва яқинлари ҳар биттасининг исми айтилганда тўйни олиб боровчи томонидан шеър шаклида салом айтиладиган ва ҳар салом айтилганда келин таъзим қиладиган “*бет ашар*” (тарж. “юз очди”) маросимида ёрқин намоён бўлади².

Қорақалпоқларда янги “бас дүгистриў” одати ахборотчиларнинг маълумотига кўра – оммавий маданият воситасидаги ташқи таъсирдир. Бизнингча, учрашганда қучоқлашиб кўришишнинг анъанавий кўринишлари ўзгаришга учраган. Масалан, анъанавий эркакча қучоқлашиб кўришиш (кўкракларни қаттиқ теккизиш, ва чап қўл билан елкага бир неча маротаба секингина уриб қўйиш) бир нечта кўринишда ўзгарган: ўнг қўл билан қўл беришиш, чап қўл билан эса елкага ёки ўнг қўл устига секингина уриб қўйиш, юзни-юзга ёки бошни-бошга теккизиш – булар анъанавий саломлашишнинг ўзгариши натижасидир.

Шундай қилиб, кузатувлар шуни кўрсатадики, саломлашиш оддий (кундалик) ва мураккаб (тантанали)га ажралиб, суҳбатни бошлаш ва уни қўллаб қувватлаш учун мос “зарурий” сўзлардан иборат бўлади.

Қайд этиш лозимки, саломлашишнинг кўпгина анъанавий формуллари ва усуллари сақланиб қолган, шу билан бир қаторда, баъзи ўзгаришларга учраган янгиликларга ҳам эга. Саломлашишнинг бирмунча анъанавий формуллари кўпроқ қишлоқ жойларда учрайди, шаҳар муҳитида эса, тантанали онлардан ташқари, асосан бир қадар янги ва қисқартирилган формуллари ишлатилади.

“*Меҳмондорчилик тўғрисидаги асосий маълумотлар ва у билан боғлиқ бўлган этикет маросимлари*” деб номланган иккинчи параграфда меҳмондорчилик институтининг функциялари, меҳмонлар турлари, уларни тақлиф этишнинг сабаблари, шунингдек, зиёфат вақтидаги этикет меъёрлари, қорақалпоқларда у ёки бу тадбирларни ўтказиш чоғидаги меҳмон ва мезбон вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ёритилади.

Меҳмонни ифодалаш учун қорақалпоқлар, шунингдек, бошқа туркий халқлар (қозоқлар, бошқирлар, татарлар) томонидан “қонақ” (“қўноқ”) сўзи

¹Бгажников Б.Х. Адыгский этикет. - Нальчик: «Эльбрус». 1978. - С. 68.

² Утебаев М. Дала ёзувлари. 2012 йил № 21.

ишлатилади. Бу сўз *тунаб қолмоқ* маъносини ифодаловчи “*қоныу*” феълидан келиб чиққан¹. Ушбу қисмда шунингдек, меҳмонларни таклиф этишнинг турлича сабаблари кўрсатиб ўтилган. Меҳмонларнинг сони тадбирнинг шаклига боғлиқдир: “*той*” ва “*шашыў*” каби катта, ҳамда туғилган кун, *отырыспак* ва бошқа оилавий байрамлар каби кичик тадбирларда меҳмонларнинг сони ҳам шунга мувофиқ тарзда бўлади. Катта тадбирларни ўтказишда мезбон томон меҳмонларни қўшниларнинг уйларида (“*қонық жай*”) ҳам жойлаштиради. Охириги йилларда тантаналарни ресторанларда нишонлаш кенг тарқалиб бормоқда.

Меҳмонларни кутиб олиш этикетига катта аҳамият берилади. Меҳмонлар кўп бўлса, уларга “иззат кўрсатиш” даражасини аниқлаб олиш муҳим ҳисобланади, қолаверса, бу даража меҳмоннинг ёши, жинси ва ижтимоий мавқеига қараб фарқ қилади. Совчилар, жамиятдаги ҳурматли кишилар, узоқдан келган меҳмонлар фахрли меҳмон ҳисобланадилар. Ахборотчиларнинг хабарларига кўра, қорақалпоқ анъаналарига мувофиқ меҳмонлар “худо томонидан жўнатиш”, “кезиб юрувчи”, “тасодифий”, “чақирилган”, “чақирилмаган”, “ҳурматли” меҳмон каби турларга бўлинади². Бундан ташқари меҳмоннинг 1) *арнаўлы қонақ* (махсус меҳмон), 2) *қудайы қонақ* (атоий худо меҳмон), 3) *қыдырма қонақ* (кезиб юрувчи меҳмон), 4) *қылғына қонақ* (тўймас меҳмон)³ каби турлари ҳам мавжуд.

Тадқиқотга кўра, меҳмондўстлик маросимини ўтказиш вақти давомийлиги сезиларли даражада қисқарган, бироқ таклиф қилиш учун сабаблар кўпаймоқда. Агар илгари аёллар меҳмонга кам боришган бўлсалар, бугунги кунда улар эркаклардан кўра ҳам кўпроқ меҳмондорчиликда иштирок этмоқда. Масалан, *қудалық, келиншек той, суннет той, айдар шаш, гештек* - булар меҳмондорчиликнинг анъанавий шакллари ҳисобланса, *панки тўй*, туғилган кун, юбилей, *отырыспак*, ўйин, *топ тарқатар* ва шу кабилар унинг замонавий шакллари дир.

Меҳмондорчиликка ва зиёфатга чақиришда турфа хилликнинг сақланганлиги қорақалпоқларнинг бирдамликка мойиллигини кўрсатади, афтидан бу халқнинг ижтимоий хотирасини акс эттирувчи уруғ-қабилавий турмуш тарзи акс этиши ҳисобланади.

“*Мезбонлар ва меҳмонларнинг ўзини тутуш қоидалари. Зиёфат маросимларида этикет ва удумга амал қилиш*” деб номланган учинчи параграфда меҳмонларни кутиб олишдан бошлаб, то уларни кузатиб қўйгунга қадар этикет анъаналарига алоқадор бўлган муҳим жиҳатларнинг батафсил тавсифи келтирилган. Қорақалпоқларда меҳмондорчилик турли сабабларга боғлиқ бўлади.

Қорақалпоқларнинг овқатланиши бутун бир маросимлар, саломлашиш шакли, ёшга ва ижтимоий даражасига қараб ўрин олиш, келин ёки оила ёш вакилларининг хизматда туриши, таом истеъмол қилиш ва шукрона (дуо)

¹ Мейрманова Г.А. Культура общения у казахов: трансформация традиционного этикета // Дисс... к.и.н. М., - С.60.

² Дала ёзувлари. 2010 йил № 3.

³ Утебаев М. Дала ёзувлари. 2018 йил № 10.

қилиш каби мажбурий амаллар сериясини намоён этади. Овқатланиш этикетига овқатдан олдин ва кейин энг ёши катта меҳмонинг дуо қилиши ҳамда овқатдан олдин ва кейин «қолдан суў алыў» (қўлни ювиш) одатини ўз ичига олади. «Табақты алыў» таомилида овқатланиш тугаганидан сўнг уйнинг энг ёш келинчаги меҳмонларга ҳурмат рамзи сифатида биров таъзим қилган ҳолда бўш идишларни йиғиштириб олади.

Чорвачилик билан шуғулланувчи кўпгина халқларда сўйилган ҳайвонларнинг гўшти чопилмайди, балки бўғимларидан ажратилади¹. Катта “тўй”лар (“той”) вақтида шу жараёнга амал қилинади, гўшт таом ичида илик “*табақ тартыў*” (тарж. иссиқ овқат тортилиши) бўлиб тортилади. Асосий таомни (“*гўртик*”) тортиш вақтида қурбонлик қилинган ҳайвоннинг боши (агар қурбонлик қилинган ҳайвон мол бўлса, унинг *шеке* (чакки қисми) энг ҳурматли меҳмонга қўйилади. Энг азиз меҳмонга беришга мўлжалланган асосий лаганга (*бас табаққа*) *жанбас* (тос суяк), *қабырға* (қовурға), *омуртқа* (умуртқа), *қуйрық май* (думба ёғи бўлаги) солиб тортилади. Алоҳида лаганда *бас* (калла) олиб келинади. Иккинчи лаганга қовурғалар, умуртқа суяги, болдир суяги ва думба солинади. Юқоридаги иккита лаган ҳам совчиларга, ҳам бошқа ҳурматли меҳмонларга тортилади. Учинчи лаган *кўйеў табаққа* (куёв лаган): *төс* (тос), умуртқа ва қовурғалар солинади. Қолган лаганларга: “*жаўырын*” (курак суяги) ва бошқа нарсалар солинади². Масалан, Қашқадарё водийсидаги ўзбекларда совчиларни “шўрва”, “ош” (палов), куёвнинг онасини эса “қудағай жилик” (қуда она учун махсус гўшт парчаси) билан сийлашади. Баъзи қишлоқ жойларида қудалар учун угра оши, гўжа, мошкичири, ширгуруч, сут ошидан иборат “қуда оши” (қудалар учун таом) ва бошқа таомлар тайёрланади³. Таомнинг ҳар бир қисми ўз эгасига эга, яъни ўтирганларнинг даражасига қараб таом тарқатиш семантикаси тарқалган.

Дастурхон атрофидаги этикет хулқ-атвор таомнинг муқаддас эканлиги таассуроти билан боғлиқ. Шу тўғрисида тоам ўзига ҳурмат талаб этади⁴.

Кузатувларга кўра, стол атрофидаги этикет ва овқатланиш уй шароитидаги бирмунча консерватив удум ҳисобланади. Қорақалпоқлар учун анъанавий, кўп асрлик ҳисобланган этикет қоидалари муқаддаслашган асосга эга. Қолдан суў алыў, табақты тартыў, табақ алыў, бас қойыў, патия бериў, таомларни маросимий тақсимлаш ва истеъмол қилиш ва бошқа шу каби кўплаб удумлар ҳозирги қадар ҳам қишлоқ жойларда ҳам шаҳарларда яхши сақланиб қолган. Этикетнинг европача қоидалари кўпроқ ресторан ва кафеларда кузатилади. Шу боис ресторан ва кафеларда анъанавий маросимлар трансформация натижаси ўлароқ анча қисқарган шаклда учрайди. Сўнгги ҳолларда анъанавий ва европача этикетнинг синтези рўй бермоқда.

¹ Байбурун А., Топорков А. У истоков этикета. Ленинград, 1990. С.140.

² Утебаев М. Дала ёзувлари. 2010 йил № 11.

³ См. Тошева Т.С. XX асрда Қашқадарё воҳасида ўзбекларнинг никоҳ тўйи маросимлари // Т.ф.н.... дисс. - Тошкент, 2002. – 64-б.

⁴ Мейрманова Г.А. Культура общения у казахов: трансформация традиционного этикета // Диссер...к.и.н. М., С.72.

“Уй хўжалиги этикет атрибутикаси. Анъанавий совға алмашинув” деб номланган тўртинчи параграфда инсон теварак-атрофидаги алоҳида нарсаларни ўз ичига олувчи этикет тизими кўриб чиқилган.

Этикет аҳамиятига эга нарса ва буюмлар тизимига хўжалик учун керакли нарсалар, маконнинг айрим қисмлари ва томонлари (тепа, паст, ўнг, чап, ички, ташқи ва ҳ.к.), озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа нарсалар киради. Уларнинг барчаси, одатда, халқ ичида фақат эстетик белгиларга эга бўлмасдан, балки этикетли, ҳаттоки этик функцияларни ҳам бажарадилар. Зиёфат тадбирини жойлаштириш кўплаб маданиятларда уй-жой ички томонининг қисмларга ажратилганлиги билан боғлиқ. Бунда кўплаб халқларда кириш қисмининг рўпарасидаги жой обрўли ҳисобланади (туркий тилларда у “төр” деб аталади). У ерда асосан ёши улуғ обрўли одамлар ва оила бошлиқлари ўтиради. Эшик ва остона ҳам ўзига хос сакрал аҳамият касб этади. Улар билан боғлиқ таъқиқ қоидалари мавжуд: остонада ўтириш мумкин эмас, эшикни ёнида туриб гаплашиш мумкин эмас, ёш келинчак кувёни уйига биринчи маротаба кираётганда уйнинг остонасига таъзим қилиши ва ш.к.

Қорақалпоқларнинг анъанавий дастурхони ва *көрпеше* (кўрпачалар) буюм этикетини ташкил этади. Дастурхон кўплаб белгиларга эга бўлиб, унинг атрофида бир қатор таъқиқларга қатъий амал қилиш керак: унинг атрофида ёмон сўзларни айтиб бўлмайди, ундан босиб ўтиш ва атрофида югуриш каби ҳолатлар умуман мумкин эмас. Қорақалпоқларда меҳмон келганда, сифатли ва чиройли матолардан атайлаб меҳмонлар учун махсус тикилган тоза кўрпачалар солинади.

Анъанавий кийим-кечак энг муҳим атрибутлардан бири ҳисобланади. Ёш қорақалпоқ келинлари оила даврасида анъанага кўра, кўйлак ва лозим (“*штан-койлек*”) кийиб юрадилар. Бундай анъанавий либос хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган “*ийбелик*” (иболилиқ) тушунчасига мувофиқ келади. Келин кийимининг бошқа бир элементи - унинг бош кийими – *орамал* (рўмол) ҳисобланади. Бугунги кунда рўмол, аёлнинг эрга текканлигини билдирадиги, шунинг учун ҳам келиннинг оила аъзолари ва меҳмонлар олдида бошланг пайдо бўлиши этикетнинг қўпол бузилиши ҳисобланади. Шунга қарамай, кузатувларимизга кўра шаҳар шароитида келинлар бундай анъанавий кийимларни фақат келинлик ҳаётининг бошланғич босқичидагина кийишади.

Буюм этикетида белгили ҳодисалардан бири “совғалар алмашинуви” ҳисобланади¹. Қоидага кўра, совғалар кўринишидаги нарса ва буюмлар мулоқот жараёнида тақдим қилинади. Совғаларнинг анъанавий турлари уларнинг қимматлилиги билан эмас, балки тухфа қилиш усулига қараб белгиланади.

Умуман олганда, ахлоқий аҳамиятга эга буюмлар таркиби замон билан бирга ўзгариб бормоқда, бироқ уларнинг семантик томонлари ўзида анъанавий таассуротларни сақлаган ҳолда давом этмоқда. Бошқача қилиб

¹ Байбурун А.К, Решетов А.М. Этикет у народов Передней Азии. М., 1988. С. 35.

айтганда, кўрсатиб ўтилган этикет масалалари табақавий, маросимий, соқрал, прагматик асосларни сақлаб қолишга, кишиларнинг жамиятда ва буюмларнинг маконда тўғри жойлашишига ёрдам беради.

Шу тарзда, этикет маъносига эга буюмлари таркиби тобора европача тус олмоқда. Бироқ, унинг атрофида юзага келган, маросим этикетида аҳамияти ошадиган табу анъанавийлигича қолмоқда.

“Анъанавий қорақалпоқ оиласида ички оилавий муносабатлар этикети” деб номланган учинчи бобда оилавий ички муносабатлар, биринчи навбатда эр-хотинлар, ота-оналар ва фарзандлари ўртасидаги, шунингдек, келиннинг куёв яқинлари билан ўзаро муносабати масалалари кўриб чиқилади.

Қариндошлик муносабатлари этикетини аниқлаб берувчи детерминант бўлиб *“туўысқаншылық”* (яқин қариндошлик, туғишганлик), *“ағайиншилик”* (умумий қариндошлик) ва *“ўрыўлас”* (уруғ-аймоқ) каби тушунчаларни кўрсатиш мумкин.

“Эр-хотинларнинг хулқ-атвор меъёрлари” деб номланган параграфда эр-хотинларнинг турли вазиятларда ўзаро муносабатидаги этикет қоидалари тизими билан боғлиқ масалалар, дала материалларини жалб қилган ҳолда кўриб чиқилади. Кузатишларимизга кўра, эр-хотинларнинг ўзаро муносабатларидаги этикет қуйидаги вазиятларда: фарзандлар қаршисида, эрнинг ота-она ва яқинлари ҳузурида, танишлар, дўстлар олдида ва бевосита ўзлари бир-бирлари билан ёлғиз қолганда намоён бўлади.

Кузатишларимиз натижасига кўра, кўп ҳолатларда эр-хотинларнинг одоби ва этикетига европача қадрият стандартларидан кўра, анъанавий жамиятнинг мавжуд этика меъёрлари кўпроқ таъсир ўтказмоқда. Аммо, европалашган оилаларда замонавий меъёрлар устувордир.

“Ёш келиннинг хулқ-атвор меъёрлари. Тийилиш одати” деб номланган параграфда келиннинг хулқ-атвор қоидалари билан боғлиқ масалалар, тийилиш одати кўриб чиқилади. Барча қорақалпоқ келинлари учун умумий бўлган тийилиш одати, куёвнинг қариндошлари исми билан атамаслик, кундалик мажбуриятлар бизнинг замонамизгача сақланган.

Мазкур таъқиқ ва чекловлар, адабиётларда *“тийилиш одати”* номи билан маълум ва ўзининг келиб чиқишига кўра, қадимги жинслараро муносабатлар ва никоҳ шаклларига боғлиқдир. Шуни қайд этиш керакки, бу удумлар кўплаб бошқа халқлар, биринчи навбатда, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Олтой, Волгабўйи ва Шимолий Кавказ туркий халқларининг кенг доираси урф-одатлари билан ўхшашдир¹. Никоҳ ўқилганидан ва расмий тўй маросимидан сўнг келинга эри билан баланд овозда гаплашиш ва оилавий муаммоларни одамлар олдида (айниқса ёши катта қариндошлар) муҳокама қилиш қатъий таъқиқланади. Бу жуда узоқ вақт, кўпинча эр-хотинлар ёшлари анча улғайиб, ўзлари мустақил тарзда оилани бошқара бошлагунларигача давом этади. Келиннинг феъл-атвори ёқмаганда қайнота буни ўз аёли орқали билдиради, ёки қизига, ё бошқа қариндошларига юзлангандек тутиб, ўз гапини келинга

¹ Абрамзон С. М.К вопросу о патриархальной семье у кочевников в Средней Азии// КСИЭ. Т. XXVIII. 1957.

эшиттириб айтади. Бекорга ахир қуйидаги мақол келиб чиқмаган: “Қызым, саган айтаман, келиним сен тыңла” (“Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит”)¹.

Этикетда намоён бўлувчи баъзи таъқиқлар ва тийилиш шакллари замонавий оммавий маданият ва урбанизация жараёни таъсирларида сақланиб қолмаган. Келинни таъқиқлаш муддати шаҳар муҳитида унчалик узоқ давом этмайди. Вақти билан келин ва куёвнинг қариндошлари ўртасидаги муносабатлар анча эркин тус олади, яъни овқатланиш ва меҳмондорчиликдан ташқари ҳолатларда қатъий таъқиққа амал қилинмайди.

“Оилада катталарни ҳурмат қилиш” деб номланган параграфда катталарни ҳурмат қилиш тамойиллари ва меъёрлари кўриб чиқилади. Қорақалпоқларда, бошқа кўплаб Шарқ халқларида бўлгани каби катталарга ўзига хос ҳурмат билан муносабатда бўлинган. Асрлар давомида турли хил ёшдаги кишиларнинг ўзаро муносабатларида мураккаб, баъзан нозик қоидалари ишлаб чиқилган, “ота ва болалар”нинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ёзилмаган бутун бир ахлоқ-одоб кодекси яратилган.

Этикет анъаналари айниқса оилавий овқатланиш вақтлари (нонушта, тушлик, кечки овқат) яққол кўринадди. Ёш катталигига қараб, оиланинг аъзолари дастурхон атрофида кетма-кетликда ўтирадилар. Ота энг юқорида тўрда ўтиради. Катта тўнғич ўғиллар отага яқин тарзда ўнг томонда, аёллар эса дастурхоннинг чап томонида ўтирадилар. Келинлар эса эшикка яқин жойда ўтирадилар. Ёши кичиклар катталар овқатга қўл узатмагунлари қадар таомга тегинмайдилар.

Шуни қайд этиш керакки, катта ёшдаги эркаклар, айниқса оқсоқоллар, кичикларнинг олдида ўзларини намунали тарзда тутишлари лозим. Улар кўп гапирмасликлари, вазмин ва оғир-босиқ бўлишлари талаб қилинадди.

